



2013у.г. «04» *май*

№ *430-К*

Samarqand t, -Самарканд

“Тумандаги “Эшкак эшиш канали” да реконструкция ишларини олиб борилиши муносабати билан атрофдаги мавжуд савдо расталарини қайта қуриш, кўчириш ва нон бозорчаси қуришга рухсат бериш тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 22-октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий автомагистрالي буйича йул инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида”ги 277-сонли қарори ,Самарканд вилоят ҳокимининг 2012 йил 07 апрелдаги “Эшкак эшиш канали”да ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш тўғрисидаги баёни ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимининг 2002 йил 20 майдаги 232-К сонли тадбиркорларга савдо дўконлари қуриш тўғрисидаги қарорига ҳамда М-39 Тошкент-Термез автомагистрал йўлини 1083 км.да жойлашган мавжуд савдо растасини қайта қуриш учун тайёрланган, тасдиқланган лойиҳа тақлифларга асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини М-39 Тошкент Термез автомагистрالي йўлининг 1083 км.да жойлашган мавжуд савдо растаси тайёрланган лойиҳа тақлиф асосида тадбиркорлар (эгалари) томонидан қайта қуришга рухсат берилсин.

2. “Гулобод ёғоч” масъулияти чекланган жамияти бозори маъмуриятига лойиҳа асосида бузилишга тушган савдо дўконлари урниган нон бозорчасини қуриш учун 414 м.кв ҳамда эски нон павилиони худудидан бозор маъмурияти хонаси қуриш учун 31 м.кв ер майдонлари ажратилсин ва қуришга рухсат берилсин.

3. Туман ҳокимининг 2002 йил 20 майдаги 232-Қ сонли қарори асосида савдо растадан қурилган дўконлар урнига лойиҳа асосида нон бозори қурилиши муносабати билан иловадаги рўйхатга асосан номлари зикр этилган фуқароларга лойиҳа асосида янги савдо дўконлар, нон бозорчаси, хожатхона қуриш учун 981 м.кв, вақтинчалик автомобилларни тўхташ жойи, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун 0.275 га жами 0.373 га туман захира ерлари ҳисобидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ер майдони ажратилсин.

4. “Гулобод ёғоч” масъулияти чекланган жамияти директори (С,Азизов) га ҳамда иловадаги рўйхат асосида номлари қайд этилган фуқароларга нон бозорчасини ва савдо дўконларини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа хужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказилгандан сунг ишларни бошлаш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев